

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ
САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

219 Даволаш-профилактика муассасаларида дори воситаларини тайинлаш ҳамда беморнинг дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш тартиби, шунингдек дорихона муассасалари томонидан аҳолига дори воситаларини рецепт асосида бериш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
29 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2118*

(2010 йил 9 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 128-модда) ва «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 4-5-сон, 120-модда) қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 6 августдаги 404-сон «Республикада доридармонлар ва тиббий буюмлар билан таъминлашни ва уларни тақсимлашни яхшилашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 1999 йил 14 январдаги 18-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Даволаш-профилактика муассасаларида дори воситаларини тайинлаш ҳамда беморнинг дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш тартиби, шунингдек дорихона муассасалари томонидан аҳолига дори воситаларини рецепт асосида бериш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир

А. ИКРАМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 18 июнь,
191-сон

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2010 йил
18 июндаги 191-сон буйруғига
ИЛОВА

**Даволаш-профилактика муассасаларида дори воситаларини
тайинлаш ҳамда беморнинг дори воситаларини қабул
қилиш, сақлаш ва қўллаш тартиби, шунингдек дорихона
муассасалари томонидан аҳолига дори воситаларини
рецепт асосида бериш тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 128-модда) ва «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 4-5-сон, 120-модда) қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 6 августдаги 404-сон «Республикада дори-дармонлар ва тиббий буюмлар билан таъминлашни ва уларни тақсимлашни яхшилашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 1999 йил 14 январдаги 18-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ барча даволаш-профилактика муассасаларида дори воситаларини тайинлаш ҳамда беморнинг дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш, шунингдек дорихона муассасалари томонидан аҳолига дори воситаларини рецепт асосида бериш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом талаблари таркибида гиёҳванд воситалар, психотроп ва захарли моддалар бўлган дори воситаларини тайинлаш, қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш тартиби, шунингдек уларни дорихона муассасалари томонидан аҳолига рецепт асосида беришга татбиқ этилмайди.

2. Мазкур Низомнинг дори воситаларини рецепт асосида беришга оид қоидалари имтиёзли шартлар ва бепул рецептлар бўйича дори воситаларини беришга қўлланилмайди.

3. Даволаш-профилактика муассасаларида Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилмаган дори воситаларини тайинлаш, шунингдек сифатсиз дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш тақиқланади.

4. Даволаш-профилактика муассасаларида дори воситаларининг тайинланиши ҳамда беморнинг дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш бўйича назорат Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

II. Дори воситаларини тайинлаш

5. Даволаш-профилактика муассасаларида беморларга дори воситаларини тайинлаш ташхис ва даволаш стандартлари асосида бир марталик, кунлик ва курс дозаларини аниқлаш орқали касалликнинг тури, оғирлиги ва хусусиятига ҳамда беморнинг ёшини ҳисобга олган ҳолда даволовчи шифокор томонидан амалга оширилади.

6. Беморга тайинланган дори воситалари (дори воситаларининг номи, бир кунлик дозаси, қабул қилиш ёки юбориш усули, миқдори, давомийлиги ва бошқалар) унинг тиббий ҳужжатлари (касаллик тарихи, амбулатория картаси, боланинг ривожланиш тарихи ва бошқалар)да қайд қилинади ва бевосита даволовчи шифокор томонидан имзоланади.

7. Қўйидаги ҳолларда беморга дори воситаларини тайинлаш даволаш-профилактика муассасасининг бўлим мудирини ёки навбатчи шифокорини ёхуд клиник фармакологини билан келишилиши лозим:

беморга бир вақтнинг ўзида беш ва ундан ортиқ дори воситалари тайинланганда;

асосий касалликнинг асоратлари ёки ҳамроҳ касалликлари мавжуд бўлганда;

мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ Дори воситаларининг хавфли комбинациялари рўйхатида кўрсатилган дори воситаларининг хавфли комбинациялари мавжуд бўлганда.

Ушбу ҳолларда тайинланган дори воситалари беморнинг тиббий ҳужжатларида қайд этилиши ва ушбу тиббий ҳужжатлар бевосита даволовчи шифокор ҳамда мазкур банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган шахслар томонидан ҳам имзоланиши лозим.

8. Даволовчи шифокор даволаш-профилактика муассасаларида стационар шароитда даволанаётган беморга ушбу муассасада мавжуд бўлмаган дори воситаларини тайинлаши мумкин.

9. Даволаш-профилактика муассасасининг даволовчи шифокорини томонидан дори воситалари рецепт асосида тайинланганда, рецептда шифокорнинг фармацевт ходимга дори воситасининг таркиби, шакли, уни тайёрлаш ва бериш ҳақидаги ёзма кўрсатмаси лотин тилида, дори воситаларини қўллаш усули эса ўзбек ёки рус тилида кўрсатилиши шарт.

10. Рецепт беморга унинг ёши, дори воситасининг савдо номи билан патентланмаган халқаро ёки кимёвий номи, мураккаб таркибли дори воситалари учун савдо номи, дори воситаси экстемпорал усулида тайёрланганида унинг таркибига кирувчи дори воситаларининг номлари, шунингдек уларнинг дозаси, даврийлиги, қабул қилиш вақти ва давомийлиги, озиқ-овқат билан ўзаро таъсирлашувчи дори воситалари (овқатдан олдин, овқатланиш вақтида, овқатдан кейин) кўрсатилган ҳолда мазкур Низомнинг 2-иловасида келтирилган шаклдаги рецепт бланкига мувофиқ берилди.

Бунда рецептда тайинланган дори воситалари (дори воситаларининг номи, бир кунлик дозаси, қабул қилиш ёки юбориш усули, миқдори, давомийлиги

ва бошқалар) рецептнинг йиртма корешогида ҳам бир-биридан фарқланмайдиган ҳолатда кўрсатилиши шарт.

11. Рецепт ёзишда ушбу Низомнинг 3-иловасида келтирилган Асосий рецептура қисқартмаларидан фойдаланиш мумкин.

12. Рецептда айнан қандай дори воситаси ёзилганлигини аниқлашда адаштирувчи ингредиентларнинг номига яқин қисқартмаларни ёзишга йўл қўйилмайди.

13. Ҳар бир даволаш-профилактика муассасасидаги даволовчи шифокорларга рецепт бланклари ушбу муассаса раҳбарининг буйруғи билан тайинланадиган жавобгар шахс томонидан, дам олиш ва байрам кунлари ҳамда тунги вақтларда эса даволаш-профилактика муассасасининг масъул навбатчи шифокори томонидан берилади.

Шифокорларга бериладиган рецепт бланklarининг ҳисоби ушбу Низомнинг 4-иловасида келтирилган Даволаш-профилактика муассасаларида рецепт бланklarини беришни қайд қилиш журналига мувофиқ юритилади.

14. Рецепт Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги даволаш-профилактика муассасалари томонидан берилганда уларнинг юқори қисми чап бурчагида даволаш-профилактика муассасасининг номи ва манзили тегишли штамп қўйилган ҳолда кўрсатилиши, хусусий даволаш-профилактика муассасалари томонидан берилганда эса қўшимча равишда рецептнинг юқори қисми ўнг бурчагида ушбу муассасанинг фаолият кўрсатиши бўйича берилган лицензиянинг тартиб рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати ҳам кўрсатилиши лозим.

15. Рецептда «Ичиш учун», «Маълум», «Қоида тарикасида» ва бошқа шу каби белгилардан фойдаланиш ман этилади.

16. Рецептда суюқ дорилар миқдори миллилитр ва томчиларда, қолган моддалар эса граммларда ёзилади.

17. Рецепт бланкида кўрсатилган катаклар аниқ ва тушунарли тарзда тўлдирилиши, унда ўчириш ва тузатишларга йўл қўйилмаслиги лозим.

Рецепт даволовчи шифокорнинг имзоси ва шахсий муҳри билан тасдиқланиши лозим. Бунда даволовчи шифокор шахсий муҳрининг ташқи айлана диаметри 20 мм, кичик айлана диаметри 10 мм, айланалар орасидаги масофа 3 мм ва кичик айлана ичидаги чизиқ узунлиги 8 мм бўлиши ҳамда катта айлана ичида даволовчи шифокорнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, кичик айлана ичидаги чизиқда «шифокор» сўзи ёзилади.

18. Рецепт уни берган даволовчи шифокорнинг имзоси билан тасдиқланган кундан бошлаб бир ой мобайнида ҳақиқий ҳисобланади.

Касаллиги сурункали бўлган беморлар учун амбулатория шароитида тайёр дори воситаларига ва экстемпорал усулида тайёрланадиган дори воситаларига рецепт берилганда, даволовчи шифокор томонидан истисно тарикасида уни амал қилиш муддати бир йилгача белгиланишига рухсат этилади, миқдорий буюм ҳисобида турувчи анаболик фаолликка эга бўлган ҳамда таркибида спирт сақловчи экстемпорал усулида тайёрланувчи дори воситалари бундан мустасно.

19. Касаллиги сурункали бўлган беморларга амал қилиш муддати бир

йилгача бўлган рецептлар берилганда, даволовчи шифокор томонидан уни амал қилиш муддати ва дорихона муассасасидан дори воситаларини бериш даврийлиги (хар ҳафта, хар ой ва бошқалар) кўрсатилиши шарт.

20. Стационар даволаш-профилактика муассасасида даволанган беморга амбулатория шароитида даволанишни давом эттириш зарур бўлган ҳолларда рецепт амбулатория-поликлиника муассасасининг шифокори томонидан беморнинг тиббий ҳужжатларидан олинган кўчирмасидаги даволовчи шифокорнинг амбулатория шароитида дори воситасининг қўлланилиши ҳақидаги тавсиясига асосан берилади.

21. Рецепт ёзиб бериш тақиқланади:

наркоз воситаси сифатида ишлатиладиган дори воситаларига;

мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ Бир-бирига номутаносиб дори воситалари рўйхатида кўрсатилган дори воситаларига.

III. Даволаш-профилактика муассасаларида беморнинг дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш

1-§. Даволаш профилактика муассасаларида беморнинг дори воситаларини қабул қилиш

22. Даволаш-профилактика муассасалари томонидан стационар шароитида даволанаётган бемор (беморнинг қариндошлари ёки унинг соғлиғидан хабар олувчи бошқа шахслар)нинг дори воситалари ушбу Низомнинг 8-бандида кўрсатилган ҳолатдагина қабул қилиниши мумкин.

23. Даволаш-профилактика муассасасининг даволовчи шифокори томонидан беморнинг дори воситалари қабул қилиб олинаётганда ушбу дори воситалари рецептнинг йиртма корешогида кўрсатилган дори воситалари билан ўзаро мувофиқлиги, шу жумладан дори воситасининг кўрсатилган яроқлилиқ муддати, бирламчи ва иккиламчи ўрамнинг бутунлиги ва ташқи кўриниши текширилади ҳамда текшириш натижаларига кўра ушбу дори воситаларини қўллаш мумкинлиги ҳақидаги хулосага келинса, текширилган дори воситаларининг қайд этиб ўтилган барча хусусиятлари беморнинг тиббий ҳужжатларида қайд этилади ва рецептнинг йиртма корешоги беморнинг тиббий ҳужжатида тикилади.

24. Бемор (беморнинг қариндошлари ёки унинг соғлиғидан хабар олувчи бошқа шахслар) томонидан даволовчи шифокорга дори воситалари билан биргаликда рецептнинг йиртма корешоги тақдим этилмаса ёки унда ушбу Низомнинг 34-бандида кўрсатилган маълумотлар қайд этилмаган бўлса, даволаш-профилактика муассасасининг даволовчи шифокори томонидан дори воситаларини қабул қилиш тақиқланади.

25. Рецептнинг йиртма корешоги бемор (беморнинг қариндошлари ёки унинг соғлиғидан хабар олувчи бошқа шахслар) томонидан йўқотиб қўйилган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда, бемор дори воситалари олинган дорихона муассасасига мурожаат этиб, уларда сақланаётган рецептдан ўз ҳисобидан кўчирма нусхасини олишга ҳақли.

Бунда дори воситаларини берган дорихона муассасаси ўзида сақланаётган рецептнинг нусхасини ўз муҳри билан тасдиқлаб беради ва ушбу рецепт нусхаси рецептнинг йиртма корешоги кучига эга бўлади.

2-§. Даволаш-профилактика муассасаларида беморнинг дори воситаларини сақлаш

26. Даволаш-профилактика муассасаларида амбулатор шароитида даволанаётган беморлар (беморнинг қариндошлари ёки унинг соғлиғидан хабар олувчи бошқа шахслар) томонидан олиб келинган дори воситалари уларнинг ўзларида сақланади.

27. Даволаш-профилактика муассасаларида стационар шароитида даволанаётган беморлар (беморнинг қариндошлари ёки унинг соғлиғидан хабар олувчи бошқа шахслар) томонидан олиб келинган ва алоҳида сақлаш шароитларини талаб этмайдиган дори воситалари улар жойлаштирилган хонада, алоҳида сақлаш шароитларини талаб этадиган дори воситалари эса ушбу муассасанинг муолажа хонасида сақланади.

3-§. Даволаш-профилактика муассасаларида беморнинг дори воситаларини қўллаш

28. Даволаш-профилактика муассасалари томонидан бевосита бемор (беморнинг қариндошлари ёки унинг соғлиғидан хабар олувчи бошқа шахслар) томонидан олиб келинган дори воситалари ушбу Низомнинг 23-бандида белгиланган тартибда қабул қилиб олинганидан сўнг қўлланилади.

29. Даволаш-профилактика муассасасида даволанувчи беморга дори воситалари даволовчи шифокор томонидан тайинланган усулда ҳар бир дори воситаси учун белгиланган тиббиёт амалиётида қўлланиш йўриқномасига асосан ушбу муассасанинг ҳамшираси томонидан қўлланилади.

IV. Дорихона муассасалари томонидан аҳолига дори воситаларини рецепт асосида бериш

30. Дорихона муассасаларидан дори воситалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги даволаш-профилактика муассасаларининг даволовчи шифокорлари томонидан ушбу Низомда белгиланган тартибда ёзилган рецептларга кўра берилади, шифокор рецептсиз сотиладиган дори воситалари бундан мустасно.

31. Бемор (беморнинг қариндошлари ёки унинг соғлиғидан хабар олувчи бошқа шахслар) томонидан дорихона муассасаларидан қайта олинадиган дори воситалари учун янги рецепт тақдим этилиши шарт.

32. Дорихона муассасасидан бериладиган дори воситалари рецептда ёзилган дори воситаларининг миқдори ва дозасига мос келиши лозим.

Рецептда савдо номи билан тайинланган дори воситаси дорихонада мав-

жуд бўлмаган ҳолларда ушбу дори воситасининг халқаро патентланмаган номига асосан бошқа савдо номига эга бўлган дори воситасига синонимик алмаштирилиши мумкин.

33. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 6 августдаги 404-сон «Республикада дори-дармонлар ва тиббий буюмлар билан таъминлашни ва уларни тақсимлашни яхшилашга доир кечиктириб бўлмай-диган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ дорихона муассасалари томонидан рецепт асосида дори воситалари берилганда рецепт ушбу муассасанинг фармацевт ходими томонидан олиб қолинади, экстемпорал усулида тайёрланиб берилган дори воситалари эса қўшимча равишда мазкур Низомнинг 6-илоvasида келтирилган Дорихона муассасасида рецептларни қайд этиш журналига киритилади.

34. Дорихона муассасасининг фармацевт ходими томонидан рецепт олиб қолинганда унинг йиртма корешогига берилган дори воситаларининг номи ва серия рақамлари киритилади ва унинг фамилияси, исми, отасининг исми ёзилиб, имзоси ҳамда дорихона муассасасининг штампи қўйилган ҳолда бемор (беморнинг қариндошлари ёки ишончли вакиллари)га даволовчи шифокорга тақдим қилишлик учун берилади.

Дорихона муассасаси томонидан дори воситалари «стикер» ёки дори воситаси ҳақида тўлиқ маълумот (дорихона муассасасининг номи, дори воситасининг номи ва серия рақами)га эга бўлган товар чеки билан берилганда рецептнинг йиртма корешоғини тўлдириш талаб этилмайди.

35. Дорихона муассасаси томонидан амал қилиш муддати бир йилгача бўлган рецептлар асосида дори воситалари берилганида, рецептнинг орқа қисмида дори воситасининг миқдори ва берилган санаси кўрсатилади, рецептнинг йиртма корешоғида эса дори воситаларининг номи, серия рақамларини кўрсатган ҳолда дорихона муассасасининг штампи қўйилади ва бу ҳақда Дорихона муассасалари учун рецептларни қайд этиш журналига қайд қилинади.

Бунда бемор (беморнинг қариндошлари ёки унинг соғлиғидан хабар олувчи бошқа шахслар)нинг дорихона муассасасига навбатдаги мурожаатида олдинги олинган дори воситалари тўғрисидаги ёзувни эътиборга олган ҳолда навбатдаги дори воситаларини ўз муддатида берилишига алоҳида эътибор қаратилиши шарт.

36. Бир йилгача амал қиладиган рецептларнинг муддати тугаганида рецепт асосида охириги дори воситасини берган дорихона муассасаси томонидан «Рецепт ҳақиқий эмас» штампи босилади ва ушбу муассасада олиб қолинади. Бунда рецептнинг йиртма корешоғига ушбу Низомнинг 34-бандида кўрсатилган маълумотлар киритилган ҳолда бемор (беморнинг қариндошлари ёки ишончли вакиллари)га даволовчи шифокорга тақдим қилишлик учун қайтариб берилади.

37. Рецептда ушбу Низомга зид равишда расмийлаштирилган ёки бири-бирига номутаносиб дори воситалари кўрсатилган бўлса, дорихона муассасаси томонидан унга «Рецепт ҳақиқий эмас» штампи босилади ва бекор қилинади. Бунда бекор қилинган рецепт ҳақидаги маълумотлар ушбу Ни-

зомнинг 7-иловасида келтирилган Дорихона муассасасида нотўғри ёзиб берилган рецептларни ҳисобга олиш журналида қайд этилади ва рецептни берган даволаш-профилактика муассасасининг раҳбарига нотўғри ёзилган рецептлар тўғрисида хабар берилади.

38. Рецепт бланкларини сақлаш ва йўқ қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 6 августдаги 404-сон «Республикада дори-дармонлар ва тиббий буюмлар билан таъминлашни ва уларни тақсимлашни яхшилашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ амалга оширилади.

V. Яқуний қондалар

39. Ушбу Низомнинг талабларини бузган айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

40. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва «Дори-дармон» АК билан келишилган.

***Савдо-саноат
палатаси раиси***

2010 йил 17 июнь

А. ШАЙХОВ

***«Дори-дармон» АК
бошқаруви раиси***

2010 йил 17 июнь

У. САЛИХБАЕВА

Даволаш-профилактика муассасаларида дори воситаларини тайинлаш ҳамда беморнинг дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш тартиби, шунингдек дорихона муассасалари томонидан аҳолига дори воситаларини рецепт асосида бериш тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Дори воситаларининг хавфли комбинациялари РЎЙХАТИ

I. Дори воситаларининг ҳаёт учун хавфли комбинациялари:



1. Рух-кортикотропин + вакциналар.
2. Кортикостероидлар + вакциналар.
3. Транквилизаторлар + депрессияга қарши моноаминооксидаза ингибиторлари (ниаламид).
4. Фенамин ва унинг ҳосилалари + депрессияга қарши моноаминооксидаза ингибиторлари.
5. Антибиотиклар-аминогликозидлар + миорелаксантлар.
6. Депрессияга қарши моноаминооксидаза ингибиторлари ва тиамин билан бойитилган маҳсулотлар (пишлоқ) + адреномиметик воситалар (адреналин).
7. Фуросемид + ангишвонагул препаратлари.
8. Фуросемид + мушак релаксантлари.

II. Дори воситаларининг заҳарли комбинациялари:

1. Урегит + оғиз орқали қабул қилинувчи контрацептивлар.
2. Урегит, фуросемид + антибиотиклар-аминогликозидлар (стрептомицин сульфат).
3. Аминазин + атропин, платифиллин ва унинг ҳосилалари.
4. Аминазин + юрак гликозидлари (тромбоэмболик асоратлар).
5. Ангишвонагул препаратлари + мушак релаксантлари.
6. Индометацин + вакциналар.
7. Барбитуратлар + L-допа.
8. Олеандомицин фосфат + оғиз орқали қабул қилинувчи контрацептив воситалар.
9. Пенициллин + допегит.
10. Хинидин + ангишвонагул препаратлари.
11. Хинидин + резерпин.
12. Преднизолон + ацетилсалицил кислотаси.
13. Цианокобаламинни узоқ муддатли парентерал юбориш.

Даволаш-профилактика муассасаларида дори воситаларини тайинлаш ҳамда беморнинг дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш тартиби, шунингдек дорихона муассасалари томонидан аҳолига дори воситаларини рецепт асосида бериш тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Рецепт бланки

 (даволаш-профилактика муассасасининг номи ва рекевизитлари кўрсатилган итамми ўрни)		_____ _____ _____ (Нодавлат даволаш-профилактика муассасаси лицензиясининг тартиб рақами, берилган санаси, амал қилиш мuddати)		 (даволаш-профилактика муассасасининг номи ва рекевизитлари кўрсатилган итамми ўрни)		_____ _____ _____ (Нодавлат даволаш-профилактика муассасаси лицензиясининг тартиб рақами, берилган санаси, амал қилиш мuddати)	
РЕЦЕПТ				РЕЦЕПТНИНГ йиртма корешоги			
Катталарга		Болаларга		Катталарга		Болаларга	
<i>(кераксизи ўчирилсин)</i>				<i>(кераксизи ўчирилсин)</i>			
Рецепт ёзилган сана				Рецепт ёзилган сана			
кун	ой			кун	ой	йил	
Беморнинг Ф.И.О.:		Беморнинг ёши:		Беморнинг Ф.И.О.:			
_____		_____		_____			
_____		_____		Беморнинг ёши _____			
Шифокорнинг Ф.И.О.:				Шифокорнинг Ф.И.О.:			
_____				_____			
Касаллик тарихи №:				Касаллик тарихи № _____			
_____				_____			
Rp: _____ <small>(савдо номи)</small>				Rp: _____ <small>(савдо номи)</small>			
_____				_____			
_____				_____			
D.S. _____ <small>(халқаро патентланмаган номи)</small>				D.S. _____ <small>(халқаро патентланмаган номи)</small>			
_____				_____			
_____				_____			
Шифокорнинг имзоси _____ тел: _____				Берилаётган дори воситасининг номи ва серияси: _____			
 (Шифокорнинг шахсий муҳри ўрни)				Фармацевт ходимнинг Ф.И.О.: _____ <small>(имзоси)</small>			
Рецептнинг амал қилиш мuddати _____				 (Дорихона итамми ўрни)			

Изоҳ:

Рецепт бланкининг ўлчами — 105 x 148 мм.

Рецептнинг йиртма корешоги ўлчами — 70 x 148 мм.

(рецепт қисмининг орқа томони)

ЭСЛАТМА

Даволаш-профилактика муассасасининг реквизитлари босма усулда ёзилади ёки штамп қўйилади.

Рецептда шифокорнинг фармацевт ходимига дори воситасининг таркиби, шакли, уни тайёрлаш ва бериш ҳақидаги ёзма кўрсатмаси лотин тилида, дори воситаларини қўллаш усули эса ўзбек ёки рус тилида кўрсатилади.

Рецептда битта дори воситаси ёзилади.

Рухсат этилган асосий рецептура қисқартмаларидан фойдаланиш мумкин.

Рецепт бир курс даволаниш учун керакли микдорда берилади.

Қаттиқ ва сочилувчи дорилар граммларда (0,001, 0,5, 1,0), суюқ дорилар эса миллилитр ва томчиларда белгиланади.

«Ичиш учун», «Маълум» ва ҳ. к., — иборалар билан чегараланиш ман этилади.

Шифокор имзоси шахсий муҳри билан тасдиқланади.

Дори воситалари берилгандан кейин рецепт дорихонада қолдирилади, рецепт йиртма корешоғлари расмийлаштириб берилади.

Рецептда савдо номи билан тайинланган дори воситаси дорихонада мавжуд бўлмаган ҳолларда рецептда кўрсатилган шифокорнинг телефони орқали шифокор билан келишган ҳолда ушбу дори воситасининг халқаро патентланмаган номига асосан бошқа савдо номига эга бўлган дори воситасига синонимик алмаштирилиши мумкин.

Экстемпорал усулида тайёрланган дори воситалар №		Дорихона штампи	
Қабул қилган дорихона муассасаси фармацевт ходимининг фамилияси, исми, отасининг исми	Тайёрлаган дорихона муассасаси фармацевт ходимининг фамилияси, исми, отасининг исми	Текширган дорихона муассасаси фармацевт ходимининг фамилияси, исми, отасининг исми	Берган дорихона муассасаси фармацевт ходимининг фамилияси, исми, отасининг исми

(рецептнинг йиртма корешоғи қисми орқа томони)

БЕМОР УЧУН ЭСЛАТМА

Рецептнинг йиртма корешоғи (стикер, дори воситаси ҳақида тўлиқ маълумот берувчи товар чеки) дори воситаси билан даволаниш якунига етқунига қадар сақланиши лозим.

Рецептда савдо номи билан тайинланган дори воситаси дорихонада мавжуд бўлмаган ҳолларда ушбу дори воситасининг халқаро патентланмаган номига асосан бошқа савдо номига эга бўлган дори воситасига синонимик алмаштирилиши мумкин.

Даволаш-профилактика муассасаларида дори воситаларини тайинлаш ҳамда беморнинг дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш тартиби, шунингдек дорихона муассасалари томонидан аҳолига дори воситаларини рецепт асосида бериш тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

Асосий рецептура қисқартмалари

Қисқартмалар	Тўлиқ ёзилган ҳолати	Ўзбек тилидаги таржимаси
aa	ana	тенг миқдорда
ac. acid.	acidum	кислота
amp.	ampulla	ампула
aq.	aqua	сув
aq. pur.	aqua purificata	тозаланган сув
but.	butyrum	мой (қаттиқ мой)
comp., cps.	compositus (a, um)	мураккаб
D.	Da (Detur, Dentur)	бер (бер, берилсин)
D.S.	Da, Signa	бер, белгила
	Detur, Signetur	берилсин, белгилансин
D.t.d.	Da (Dentur)tales doses	бер (берилсин) ушбу дозада
dil.	dilutus	суюлтирилган
div.in p.aeq	divide in partes aequales	тенг миқдорга бўлинг (қисмларга ажрат)
extr.	extractum	экстракт
f.	fiat (fiant)	ҳосил бўлсин
gtt.	gutta, guttae	томчи, томчилар
inf.	infusum	дамлама
in amp.	in ampullis	ампулаларда

Қисқартмалар	Тўлиқ ёзилган ҳолати	Ўзбек тилидаги таржимаси
in tabl.	in tab(u)lettis	таблеткаларда
lin.	linimentum	линимент
liq.	liquor	суюқлик
M.pil.	massa pilularum	пилюля массаси
M.	Misce, Misceatur	аралаштир (аралаштирилган бўлсин)
N.	numero	рақам билан
ol.	oleum	мой (суюқ)
past.	pasta	паста
pil.	pilula	хаб дори
p.aeq.	partes aequales	тенг миқдорда
ppt., praec.	praecipitatus	чўкма
pulv.	pulvis	кукун
q.s.	quantum satis	қанча талаб қилса, керагича
r.,rad.	radix	илдиз
Rp.	Recipe	ол
Rep.	Repete, Repetatur	қайтар, (қайтарилсин)
rhiz.	rhizoma	илдизпоя
S.	Signa, Signetur	белгила, (белгилансин)
sem.	semen	уруғ
simpl.	simplex	оддий
sir.	sirupus	сироп (шарбат)
sol.	solutio	эритма
supp.	suppositorium	шамча (суппозиторий)
tabl.	tab(u)letta	таблетка

Қисқартмалар	Тўлиқ ёзилган ҳолати	Ўзбек тилидаги таржимаси
t-ra, tinct.	tinctura	тиндирма
ung.	unguentum	суртма
vit.	vitrum	шиша идиш

Даволаш-профилактика муассасаларида дори воситаларини тайинлаш ҳамда беморнинг дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш тартиби, шунингдек дорихона муассасалари томонидан аҳолига дори воситаларини рецепт асосида бериш тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

219-модда

**Даволаш-профилактика муассасаларида рецепт бланklarини беришни қайд қилиш
ЖУРНАЛИ**

Т/р	Рецепт бланklarи сони	Даволаш-профилактика муассасасининг бўлими	Рецепт бланklarини берган ходимнинг фамилияси, исми ва отасининг исми	Имзо	Рецепт бланklarини олган ходимнинг фамилияси, исми ва отасининг исми	Имзо	Сана

— 36 —

26-27 (422-423) -сон

Даволаш-профилактика муассасаларида дори воситаларини тайинлаш ҳамда беморнинг дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш тартиби, шунингдек дорихона муассасалари томонидан аҳолига дори воситаларини рецепт асосида бериш тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

Бир-бирига номутаносиб дори воситалари РЎЙХАТИ

Фармако терепевтик гуруҳ ва унга кирувчи дори воситалари	Дори воситалари	Ўзаро таъсири натижалари
Марказий нерв тизимига таъсир қилувчи воситалар:		
Антидепрессантлар:		
Трициклик антидепрессантлар	+Дизопипамид	Юрак қоринчаси аритмияси хавфининг ошиши
	+Прокаинамид	Юрак қоринчаси аритмияси хавфининг ошиши
	+Пропафенон	Юрак қоринчаси аритмияси хавфининг ошиши
	+Хинидин	Юрак қоринчаси аритмияси хавфининг ошиши
	+Фенотиазинлар	Юрак қоринчаси аритмияси хавфининг ошиши
Моноаминооксидаза ингибиторлари	+Фенилпропанол-амин	Гипертензив криз
	+Эфедрин	Гипертензив криз
Серотанинни қайта қамраб олинишининг селектив ингибиторлари	+Астемизол	Аритмия хавфининг ошиши
	+Карбамазепин	Антагонизм (тиришиш бўсағасининг пасайиши)
Марказий таъсирга эга миорелаксантлар:		
Баклофен	+Дилтиазем	Дилтиаземни бир вақтда вена ичига юборилганда аритмияни рўй бериш хавфи
	+Ибупрофен	Баклофенни чиқарилишини камайиши (заҳарлилик хавфининг ошиши)
Нейролентиклар	+Дизопипамид	Юрак қоринчаси аритмияси хавфининг ошиши
Фенотиазинлар	+Прокаинамид	Юрак қоринчаси аритмияси хавфининг ошиши
	+Хинидин	Юрак қоринчаси аритмияси хавфининг ошиши
	+Леводопа	Антагонизм
Бенперидол ёки галоперидол	+Амиодарон	Юрак қоринчаси аритмияси хавфининг ошиши
	+Карбамазепин	Антагонизм (тиришиш бўсағасининг пасайиши)

Фармако терепевтик гуруҳ ва унга кирувчи дори воситалари	Дори воситалари	Ўзаро таъсири натижалари
Дроперидол ёки клозапин	+Фенитоин	Клозапин метаболизмининг тезлашиши (унинг плазмадаги концентрациясини камайтиради)
	+Карбамазепин	Антагонизм (тиришиш бўсағасининг пасайиши)
Хлорпромазин	+β-адреноблокаторлар	Хлорпромазиннинг юқори дозалари β-адреноблокаторларнинг гипотензив таъсирига антагонизм намоён қилади.
Тутқаноққа қарши воситалар	+Галоперидол	Тиришишга қарши таъсири билан антагонизм (тиришиш бўсағасининг пасайиши)
Барбитуратлар	+Трициклик антидепрессантлар	Тиришишга қарши таъсири билан антагонизм (тиришиш бўсағасининг пасайиши)
Наркоз воситалари	+Трициклик антидепрессантлар	Аритмиянинг хавфи ва юқори гипотензив таъсир
Литий тузлари	+Верапамил	Нейротоксиклик литийнинг плазмадаги концентрацияси ошмасдан юзага келиши мумкин
	+Метоклопрамид	Нейротоксиклик хавфининг ошиши
	+Карбамазепин	Нейротоксиклик литийнинг плазмадаги концентрацияси ошмасдан юзага келиши мумкин
Переферик нерв тизимига таъсир қилувчи воситалар		
Маҳаллий анестетиклар	+Трициклик антидепрессантлар	Аритмия ва гипотензия хавфининг ошиши
Адреномиметиклар		
Фенилэфрин	+Моноаминооксидаза ингибиторлари	Гипертензив криз хавфи
Дофамин	+Моноаминооксидаза ингибиторлари	Гипертензив криз хавфи
Сальбутамол	+Теофиллин	Сальбутамолнинг юқори дозалари билан буюрилганда гипогликемия хавфининг ошиши
Симпатомиметиклар		
Фенилпропаноламин	+Моноаминооксидаза ингибиторлари	Гипертензив криз хавфи
М-холинномиметиклар		
Пилокарпин	+β-адреноблокаторлар	Аритмиянинг хавфи ошиши мумкин
Переферик таъсирга эга миорелаксантлар		
Векурония бромид	+Дигоксин	Аритмиянинг рўй бериши
Юрак қон томир воситалари		
Антигипертензив воситалар		
Гидралазин	β-адреноблокаторлар	Гипотензив таъсир билан антагонизм
	+НЯҚВ	Гипотензив таъсир билан антагонизм
β-адреноблокаторлар	+Амиодарон	Брадикардия ва AV-блокада хавфининг ошиши

Фармако терепевтик гуруҳ ва унга кирувчи дори воситалари	Дори воситалари	Ўзаро таъсири натижалари
	+Верапамил	Яққол гипотензия ва юрак етишмовчилиги юз бериши мумкин
	+Дилтиазем	Брадикардия ва AV-блокада хавфининг ошиши
	+Нифедипин	Яққол гипотензия ва юрак етишмовчилиги юз бериши мумкин
Аритмияга қарши воситалар		
Соталол	+Амиодарон	Юрак қоринчаси аритмияси хавфининг ошиши
	+Фенотиазинлар	Юрак қоринчаси аритмияси хавфининг ошиши
	+Прокаинамид	Прокаинамид билан бирга қўлланилганда самарасининг жамланиши (Юрак қоринчаси аритмияси хавфининг ошиши)
	+Астемизол	Астемизол билан бирга қўлланилганда юрак қоринчаси аритмияси хавфининг ошиши
	+Ко-тримоксазол	Юрак қоринчаси аритмияси хавфининг ошиши
	+Хлорохин	Юрак қоринчаси аритмияси хавфининг ошиши
	+Верапамил	Брадикардия, кардиодепрессив таъсир ва AV-блокада хавфининг ошиши
	+Галоперидол	Галоперидол билан бирга қўлланилганда юрак қоринчаси аритмияси хавфининг ошиши
Прокаинамид	+Амиодарон	Прокаинамиднинг плазмадаги концентрациясининг ошиши. Юрак қоринчаси аритмияси хавфининг ошиши. Миокардга сусайтирувчи таъсирнинг кучайиши
	+Соталол	Юрак қоринчаси аритмияси хавфининг ошиши
	+Астемизол	Юрак қоринчаси аритмияси хавфининг ошиши
	+ Трициклик анти-депрессантлар	Юрак қоринчаси аритмияси хавфининг ошиши
	+Каптоприл	Заҳарлигини ошиши
Пропафенон	+Астемизол	Юрак қоринчаси аритмияси хавфининг ошиши
	+Терфенадин	Юрак қоринчаси аритмияси хавфининг ошиши
Хинидин	+Амиодарон	Хинидиннинг плазмадаги концентрациясининг ошиши. Юрак қоринчаси аритмияси хавфининг ошиши
	+Соталол	Юрак қоринчаси аритмияси хавфининг ошиши
	+Астемизол	Юрак қоринчаси аритмияси хавфининг ошиши
Кальций каналларининг блокаторлари	+Дизопирамид	Кардиодепрессив таъсир ва асистолия хавфининг ошиши

Фармако терепевтик гуруҳ ва унга кирувчи дори воситалари	Дори воситалари	Ўзаро таъсири натижалари
	+Дигоксин	Дигоксиннинг плазмадаги концентрациясининг ошиши
Дилтиазем	β -адреноблокаторлар	Брадикардия ва AV-блокада хавфининг ошиши
Нифедипин	β -адреноблокаторлар	Яққол гипотензия ва юрак етишмовчилиги юз бериши мумкин
Ангиотензивни ўзгартирувчи фермент ингибиторлари	+Кеторолак	Антогонизм, гипотензив таъсир ва буйрак етишмовчилиги хавфининг ошиши
Каптоприл	+Прокаинамид	Прокаинамид заҳарлилик хавфини, айниқса буйрак етишмовчилигида оширади
Нитратлар		
Нитроглицерин	+Атропин	Нитроглицериннинг сублингвал шакллари таъсирининг сусайиши
Юрак гликозидлари	+ β -адреноблокаторлар	Брадикардия ва AV-блокада хавфининг ошиши
	+НЯҚВ	Юрак етишмовчилигининг зўрайиши
	+Амфотерицин	Гипокалиемия юз берганида токсикликнинг ошиши
Дигитоксин	+Верапамил	Дигоксиннинг плазмадаги концентрациясини ошиши. AV-блокада хавфининг ошиши
Диуретиклар	+Соталол	Гипотензив таъсирнинг кучайиши Гипокалиемия юрак қоринчаси аритмиясининг хавфини оширади
	+Амиодарон	Агарда гипокалиемия юз берса, амиодароннинг юракка заҳарли таъсири ошади
	+Астемизол	Гипокалиемияда юрак қоринчаси аритмияси хавфининг ошиши
	+Эстрогенлар	Диуретик таъсир билан антагонизм
	+Индометацин	Диуретик таъсир билан антагонизм
	+Кеторолак	Диуретик таъсир билан антагонизм
	+Цисплатин	Цисплатиннинг нефротоксик ва ототоксик хавфининг ошиши
	Калий сақловчилар	+Индометацин
Қонга таъсир қилувчи воситалари		
Антикоагулянтлар		
Гепарин	+Дипиридамо	Антикоагулянт таъсирнинг ошиши
	+Ацетилсалицил кислотаси	Антикоагулянт таъсирнинг ошиши
Кумаринлар		
	+Дипиридамо	Антикоагулянт таъсирнинг ошиши (қон кетиш хавфи)
	+Амиодарон	Антикоагулянт таъсирнинг ошиши
	+Пропафенон	Антикоагулянт таъсирнинг ошиши
	+Эритромицин	Антикоагулянт таъсирнинг ошиши
	+Ацетилсалицил кислотаси	Антикоагулянт таъсирнинг ошиши (қон кетиш хавфи)
	+Диклофенак	Диклофенакни парентерал юборилиши билан бирга қабул қилинганда қон кетиш хавфининг ошиши

Фармако терепевтик гуруҳ ва унга кирувчи дори воситалари	Дори воситалари	Ўзаро таъсири натижалари
	+Ибупрофен	Ибупрофен билан антикоагулянт таъсир сезиларли даражада ошади
	+Пироксикам	Пироксикам билан антикоагулянт таъсир сезиларли даражада ошади
	+Фенилбутазон	Фенилбутазон билан антикоагулянт таъсир сезиларли даражада ошади
	+Сульфанилмочевиналар ва унинг ҳосилалари	Сульфанилмочевина ҳосилаларининг гипогликемик таъсири ошиши мумкин
Антиагрегантлар		
Ацетилсалицил кислотаси	+Анальгетиклар	Ножўя таъсирларнинг ошиши
	+Антикоагулянтлар	Қон кетиш хавфининг ошиши
	+Глюкокортикоидлар	Меъда-ичакдан қон кетиши ва улцероген таъсир хавфининг ошиши
Иммун тизимига таъсир қилувчи воситалар		
Антигистаминлар		
Астемизол	+Соталол	Юрак қоринчаси аритмияси хавфининг ошиши
	+Амиодарон	Юрак қоринчаси аритмияси хавфининг ошиши
	+Дизопирамид	Юрак қоринчаси аритмияси хавфининг ошиши
	+Прокаинамид	Юрак қоринчаси аритмияси хавфининг ошиши
	+Трициклик антидепрессантлар	Юрак қоринчаси аритмияси хавфининг ошиши
	+Эритромицин	Хавфли аритмия ҳисобига Астемизол метаболизмининг сусайиши
	+Клотримазол	Астемизол метаболизмининг сусайиши мумкин, юракка заҳарли таъсири таърифланган
Терфенадин	+Кетоконазол	Терфенадиннинг метаболизми сусайиши мумкин, юракка заҳарли таъсири таърифланган
Иммунодепрессантлар	+Доксорубин	Нефротоксиклик хавфининг ошиши
Циклоспорин	+Доксициклин	Циклоспориннинг плазмадаги концентрациясининг ошиши
	+Сульфадимезин	Нефротоксиклик хавфининг ошиши
	+Триметоприм	Нефротоксиклик хавфининг ошиши
Меъда-ичак тизимига таъсир қилувчи воситалар		
H₂-гистамин антагонистлари		
Ранитидин ёки фамотидин ёки циметидин	+Эритромицин	Эритромициннинг плазмадаги концентрациясининг ошиши (заҳарлиликнинг ошиши хавфи, шу жумладан карлик)
Протон насос ингибиторлари		
Омепразол	+Диазепам	Омепразол диазепамнинг метаболизмини ингибирайди (таъсир кучи ошиши мумкин)
Диабетга қарши воситалар	+β-адреноблокаторлар	Гипогликемик таъсирнинг ошиши (симптомлар, масалан тремор ниқобланади)

Фармако терепевтик гуруҳ ва унга кирувчи дори воситалари	Дори воситалари	Ўзаро таъсири натижалари
Ўсмага қарши воситалари		
Алкалоидлар		
Винкрестин	+Итраконазол	Винкрестин метаболизмининг сусайиши (заҳарлилигининг ошиши)
Доксорубицин	+Циклоспорин	Нефротоксиклик хавфининг ошиши
Мелфалан	+Циклоспорин	Нефротоксиклик хавфининг ошиши
Цисплатин	+Аминогликозидлар	Аминогликозидларнинг нефротоксиклик ва ототоксиклик хавфининг ошиши
	+Капреомицин	Аминогликозидларнинг нефротоксиклик ва ототоксиклик хавфининг ошиши
Меркаптопурин	+Аллопуринол	Меркаптопурин таъсирининг кучайиши (унинг заҳарлилиги ошади, дозасини камайтириш керак)
Метотрексат	+Пенициллинлар	Метотрексат экскрециясининг пасайиши (заҳарлилигининг ошиши)
	+Циклоспорин	Заҳарлилигининг ошиши
	+Ацетилсалицил кислота	Метотрексат экскрециясининг пасайиши (заҳарлилик хавфи)
	+НЯҚВ	Метотрексат экскрециясининг пасайиши (заҳарлилик хавфи)
Анальгетиклар ва антипиретиклар		
Анальгетиклар	+Ацетилсалицил кислота	Ножўя таъсирларнинг кучайиши
	+Адреналин (норадреналин)	Анестезия давомийлигининг ошиши
Парацетамол	+Метоклопрамид	Парацетамолнинг сўрилишини кучайиши (таъсирини кучайиши)
Пирозолон анальгетиклар	+Клозапин	Номутаносиблик
НЯҚВ (ностероид яллиғланишга қарши воситалар)	+Глюкокортикоидлар	Меъда-ичакдан қон кетиши ва яра ҳосил бўлиш хавфининг ошиши
	+Циклоспорин	Нефротоксиклик хавфининг ошиши
	+ Ангиотензивни ўзгартирувчи фермент ингибиторлари	Гипотензив таъсири билан антагонизм ва буйрак етишмовчилиги хавфининг ошиши
	+НЯҚВ	Ножўя таъсирларнинг кучайиши
	+Юрак гликозидлари	Нестероид яллиғланишга қарши воситалар юрак етишмовчилигини зўрайтириши мумкин
Ацетилсалицил кислотаси	+Глюкокортикоидлар	Меъда-ичакдан қон кетиши ва улцероген таъсир хавфининг ошиши
	+Анальгетиклар	Ножўя таъсирларнинг кучайиши
	+Метотрексат	Метотрексат экскрециясининг пасайиши (заҳарлилик хавфи)
Диклофенак	+Фениндион	Антикоагулянт таъсир кучайиши мумкин
	+Гепарин	Диклофенакни барча антикоагулянтлар билан бирга парентерал юборилганда (шу жумладан кичик дозалар ҳам) қон кетиш хавфининг ошиши
	+Циклоспорин	Нефротоксиклик хавфи, диклофенакнинг плазмадаги концентрациясини ошиши

Фармако терепевтик гуруҳ ва унга кирувчи дори воситалари	Дори воситалари	Ўзаро таъсири натижалари
Ибупрофен	+Фениндион	Антикоагулянт таъсир кучайиши мумкин
Индометацин	+Амикацин	Янги туғилган чақалоқларда амикациннинг плазмадаги концентрацияси ошиши мумкин
Напроксен	+Литий	Литийнинг экскрециясини пасайиши (заҳарлилик хавфи)
Пироксикам	+Фениндион	Антикоагулянт таъсирнинг ошиши
	+Ритонавир	Пироксикамнинг плазмадаги концентрациясининг ошиши (заҳарлилик хавфи)
Фенилбутазон	+Фениндион	Фениндионнинг антикоагулянт таъсири фенилбутазон таъсирида кучаяди
	+Мизопропростол	Марказий нерв тизимига заҳарли таъсир хавфининг ошиши
	+Сульфанилмочевиналар ва унинг ҳосилалари	Сульфанилмочевина таъсирининг ошиши
Микробларга қарши воситалар		
Антибиотиклар		
Ванкомицин	+Аминогликозидлар	Ванкомициннинг нефротоксиклик ва ототоксиклик хавфининг ошиши
	+Петляли диуретиклар	Ванкомициннинг ототоксиклик хавфининг ошиши
	+Капреомицин	Ванкомициннинг нефротоксиклик ва ототоксиклик хавфининг ошиши
Аминогликозидлар	+Ванкомицин	Ванкомициннинг нефротоксиклик ва ототоксиклик хавфининг ошиши
	+Петляли диуретиклар	Аминогликозидлар ототоксиклигининг ошиши
	+Циклоспорин	Нефротоксикликнинг ошиши
	+Амфотерицин	Нефротоксикликнинг ошиши
	+Цисплатин	Нефротоксикликнинг ошиши
Гентамицин	+Ацетилсалицил кислотаси	Ацетилсалицил кислотаси антикоагулянт таъсирни кучайтиради
	+Диклофенак	Диклофенакни парентерал юборилганда қон кетиш хавфининг ошиши
	+Индометацин	Янги туғилган чақалоқларда гентамициннинг плазмадаги концентрациясининг ошиши
	+Кеторолак	Қон кетиш хавфининг ошиши
Эритромицин	+Теofilлин	Теofilлин метобализмининг сусайиши (унинг плазмадаги концентрациясининг ошиши)
	+Амиодарон	Юрак қоринчаси аритмияси хавфининг ошиши
	+Кумаринлар	Антикоагулянт таъсирнинг ошиши
	+Циметидин	Эритромициннинг плазмадаги концентрациясининг ошиши (заҳарлилик хавфининг ошиши, шу жумладан карлик)
		Нефротоксик таъсир хавфининг ошиши

Фармако терепевтик гуруҳ ва унга кирувчи дори воситалари	Дори воситалари	Ўзаро таъсири натижалари
	+Полимиксин-В	Нерв-мушак блокадаларининг ва нефротоксик таъсир хавфининг ошиши
	+Фуросемид	Нефротоксиклик ва ототоксиклик
	Наркоз учун воситалар, наркотик анальгетиклар	Нерв-мушак блокадаларининг кучайиши, нафаснинг сусайиши ва тўхташ хавфининг ошиши
Пенициллинлар	+Антикоагулянтлар	Қон кетиш хавфининг ошиши
	+НЯҚВ	Қон кетиш хавфининг ошиши
	+Тромболитик воситалар	Қон кетиш хавфининг ошиши
	+Ангиотензивни ўзгартирувчи фермент ингибиторлари	Гиперкалиемия (бензилпенициллиннинг калийли тузи ишлатилганда)
	+Калий препаратлари	Гиперкалиемия (бензилпенициллиннинг калийли тузи ишлатилганда)
	+Сульфаниламидлар	Пенициллин таъсирининг сусайиши
	+Метотрексат	Метотрексат экскрециясининг пасайиши (заҳарлилик хавфи)
Тетрациклинлар	+Кумаринлар	Антикоагулянт таъсири кучайиши мумкин
Хинолинлар фторхинолинлар	+Амиодарон	Аритмиялар хавфининг ошиши
	+Прокаиномид	Аритмиялар хавфининг ошиши
	+Хинидин	Аритмиялар хавфининг ошиши
	+Циклоспорин	Нефротоксик таъсир хавфининг ошиши
	+НЯҚВ	Тиришишларнинг хавфи ошиши мумкин. Марказий нерв тизимини кўзгалити ёки тиришишларни ривожланиш хавфи ошади
Цефалоспоринлар	+НЯҚВ	Қон кетиш хавфининг ошиши
	+Антикоагулянтлар	Қон кетиш хавфининг ошиши
	+Аминогликозидлар	Нефротоксик таъсир хавфининг ошиши
	+Кумаринлар	Антикоагулянт таъсирнинг кучайиши
Нитромидазоллар		
Метронидазол	+Фторурацил	Фторурацил метаболизмининг сусайиши (унинг заҳарлилиги ошиши)
Ко-тримоксазол ва сульфаниламидлар		
Ко-тримаксазол	+Амиодарон	Юрак қоринчаси аритмияси хавфининг ошиши
Триметоприм	+Циклоспорин	Нефротоксиклик хавфининг ошиши
Сульфадиазин	+Циклоспорин	Нефротоксиклик хавфининг ошиши Циклоспоринни вена ичига юборилганда плазмадаги концентрациясининг пасайиши
Сульфадимизин	+Циклоспорин	Нефротоксиклик хавфининг ошиши
	+Метотрексат	Метотрексатнинг заҳарли таъсирининг ошиши
Протойзойларга қарши		
Гидроксихлорохин	+Антиаритмик	Юрак қоринчаси аритмияси хавфининг ошиши
	+Циклоспорин	Циклоспорин плазма концентрациясининг ошиши (заҳарлилик хавфи)

Фармако терепевтик гуруҳ ва унга кирувчи дори воситалари	Дори воситалари	Ўзаро таъсири натижалари
Примахин	+Мепакрин	Примахиннинг плазмадаги концентрациясининг ошиши (заҳарлилик хавфи)
Хинин	+Амиодарон	Юрак қоринчаси аритмияси хавфининг ошиши
	+Астемизол	Юрак қоринчаси аритмияси хавфининг ошиши
Силга қарши воситалар		
Изониазид	+Циклосерин	Марказий нерв тизимига заҳарли таъсир хавфининг ошиши
	+Карбамазепин	Карбамазепин метаболизмининг сусайиши (унинг таъсирининг кучайиши), изониазид гепатотоксик таъсирининг ошиши
	+Изофлуран	Гепатотоксиклик, изофлуран билан потенциаланиш эҳтимоли
	+НЯҚВ	Ўткир гепатит
	+Метилдопа + диклофенак	Сурункали гепатит
Капреомицин	+Ванкомицин	Капреомицин нефротоксиклиги ва ототоксиклигининг ўсиш хавфи
	+Цисплатин	Капреомицин нефротоксиклиги ва ототоксиклигининг ўсиш хавфи
Циклосерин	+Изониазид	Марказий нерв тизимига заҳарли таъсир хавфининг ошиши
	+Фенитоин	Фенитоин плазмадаги концентрациясининг ошиши (заҳарлилик хавфи)
Замбуруғларга қарши воситалар		
Амфотерицин	+Циклоспорин	Нефротоксиклик хавфининг ошиши
	+Юрак гликозидлари	Гипокалиемия юз берганда заҳарлилик хавфининг ошиши
Кетоконазол	+Астемизол	Астемизол метаболизмининг сусайиши, юракка заҳарли таъсири кўрсатилган
Клотримазол	+Астемизол	Астемизол метаболизмининг сусайиши, юракка заҳарли таъсири кўрсатилган
Триазоллар	+Астемизол	Астемизол метаболизмининг сусайиши, юракка заҳарли таъсири кўрсатилган
Итраконазол	+Винкрестин	Винкрестин метаболизмининг сусайиши (нейротоксиклик хавфининг ошиши)
Гормонлар ва унинг аналоглари		
Глюкокортикоидлар		
Нандролон	+НЯҚВ	Меъда-ичақдан қон кетиши ва улцероген таъсир хавфининг ошиши
	+Иммунодепрессантлар	Иммунитетни кескин пасайиши
Гипоталамус ва гипофиз гармонлари		
Окситоцин	+Адреномиметиклар	Томирларни торайтирувчи адреномиметиклар вазопрессор таъсирининг кучайиши

Фармако терепевтик гуруҳ ва унга кирувчи дори воситалари	Дори воситалари	Ўзаро таъсири натижалари
	+Простагландинлар	Бачадонга рағбатлантирувчи таъсирнинг кучайиши
	+Наркоз воситалари	Окситоцин таъсирининг сусайиши (гипотензив таъсир ва аритмия хавфининг ошиши)
Интермедиантлар		
Аденозинергиклар		
Аминофиллин	+Пропафенон	Теофиллин плазмадаги концентрациясининг ошиши
Теофиллин	+Изониазид	Теофиллин плазмадаги концентрациясининг ошиши (тиришишлар хавфининг ошиши)
	+Галотан	Галотан буюрилганда аритмия хавфининг ошиши
Дофаминомиметиклар (паркинсонизмга қарши воситалар)		
Бромкриптин	+Эритромицин	Бромкриптиннинг плазмадаги концентрациясининг ошиши ва заҳарлилик хавфининг ошиши
	+Фенилпропанол-амин	Бромкриптин заҳарлилик хавфининг ошиши
Леводопа	+Моклобемид	Моноаминооксидаза ингибиторлари (шу жумладан моклобемид) билан бирга қўлланганда гипертензив криз юз беради
Пентоксифиллин	+Кеторолак	Кеторолак томонидан қақирилган қон кетиш хавфининг ошиши
Витаминлар, микро ва макроэлементлар		
Витаминлар		
Никотин кислотаси	+ Статинлар	Миопатия хавфининг ошиши
Ретиноидлар	+Метотрексат	Метотрексатнинг плазмадаги концентрацияси ошиши (заҳарлилик хавфи)
Тиамин	Цианокобаламин	Тиаминнинг аллергия реакцияларининг ошиши
Макро ва микроэлементлар		
Темир препаратлари	+Рух препаратлари	Перорал темирнинг сўрилиши ва рух препаратлари сўрилишининг сусайиши
Кальций тузлари	+Юрак гликозидлари	Юқори дозада кальций вена ичига юборилганда аритмияларни қўзғатиши мумкин
Магний тузлари	+антиполярловчи миорелаксантлар	Магнийнинг парентерал тузлари таъсирида антидеполяри миорелаксантлар таъсирининг кучайиши
Бошқа турдаги дори воситалари		
Подаграга қарши воситалар		
Аллопуринол	+Азиотропин	Азиотропин таъсири заҳарлилиги билан бирга ошиши
	+Циклоспорин	Циклоспориннинг плазмадаги концентрацияси ошади (нефротоксиклик хавфининг ошиши)
	+Каптоприл	Каптоприл билан бирга қўлланганда заҳарлилик хавфининг ошиши, айниқса буйрак етишмовчилигида

Фармако терепевтик гуруҳ ва унга кирувчи дори воситалари	Дори воситалари	Ўзаро таъсири натижалари
	+Меркаптопурин	Меркаптопурин таъсирининг, унинг заҳарлилиги ошиши билан кучайиши (унинг дозасини пасайтириш керак)
Колхицин	+Циклоспорин	Нефротоксиклик хавфининг ошиши (Циклоспориннинг плазмадаги концентрацияси ошади)
Алкоголизмга қарши воситалар		
Дисульфирам	+Теофиллин	Метоболизмнинг сусайиши (заҳарлилик хавфи)
	+Темазепам	Бензодиазеплар седатив таъсирининг ошиши билан метоболизи сусаяди (темазепамнинг заҳарлилик таъсири кўрсатилган)
	+Метронидазол	Психотик реакциялар
	+Фенитоин	Фенитоин метоболизмнинг сусайиши (заҳарлигининг ошиши)

Даволаш-профилактика муассасаларида дори воситаларини тайинлаш ҳамда беморнинг дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш тартиби, шунингдек дорихона муассасалари томонидан аҳолига дори воситаларини рецепт асосида бериш тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

219-модда

Дорихона муассасасида рецептларни қайд этиш ЖУРНАЛИ

Дорихона муассасаси номи _____

Т/р	Сана	Беморнинг фамилияси, исми ва отасининг исми	Рецептни берган даволаш- профилактика муассасасининг номи ҳамда даволовчи шифокорнинг фамилияси, исми ва отасининг исми	Дори воситасининг номи, миқдори ва дозаси	Дори воситасининг шакли	Дори воситасининг нархи	Беморнинг манзили, телефон рақами	Изоҳ

Даволаш-профилактика муассасаларида дори воситаларини тайинлаш ҳамда беморнинг дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш тартиби, шунингдек дорихона муассасалари томонидан аҳолига дори воситаларини рецепт асосида бериш тўғрисидаги низомга
7-ИЛОВА

**Дорихона муассасасида нотўғри ёзиб берилган рецептларни ҳисобга олиш
ЖУРНАЛИ**

Т/р.	Сана	Рецептдаги хатоликлар (дозаси нотўғри кўрсатилган дори воситалари кўчирилади ёки ундаги ёзувларнинг ноаниқлиги кўрсатилади)	Нотўғри рецепт берган шифокорнинг Ф.И.О.	Шифокор ишлайдиган даволаш-профилактика муассасасининг номи	Даволаш-профилактика муассасасининг раҳбарига хабар берилганлиги ҳақида маълумот